Ушбу сонда:
2 ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ ва унинг савобли ишлари
3 ИШЧИ ДАЪВОСИ Суд томонидан нега рад этилди?
4 Маънавият сарчашмалари «АВЕСТО»ДА ҲАҚИҚАТ МАДҲИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ ВАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 май, пайшанба №72 (1086)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.

Ислом КАРИМОВ

ЎТГАНЛАР ЁДИ АЗИЗ, ТИРИКЛАР ҚАДРИ САРБАЛАНДДИР



9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони ўзгача тус олди. Эрталабдан бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар, ҳарбийлашган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар йиғилди. Найнинг ҳазин навосидан кўнгилларга маҳзун туйғулар инади. Ўзбекистонда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида учинчи бор нишонланаётган 9 май ана шундай ўзгарувчан кайфият билан бошланди. Ҳаво ҳам шунга мос - гоҳ қуёш чараклаб кетса, гоҳ булутлар майдонга енгилгина соя солади.

Ниҳоят, майдонга мазкур анъанавий тадбирнинг бош ташаббускори - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари йиғилганлар билан бирма-бир саломлашиб, ҳарбий оркестр садолари остида «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гул қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган минглаб ватандошларимизнинг табаррук номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган айвонларни зиёрат қилди. Уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Журналистлар билан суҳбатлашди.

- «Мотамсаро она» - Ватан тимсолидир, - деди Ислом Каримов.- У гўё фидойи фарзандларини бағрида ардоқлаб тургандек. Фарзанд учун онанинг қайноқ бағридан яхшироқ оромли жой йўқ. Унга қараб туриб, урушни, қатағонни тасаввур этган, машъум йиллар нафасини ҳис қилган киши бугунги озод ва эркин ҳаёт учун шукроналар айтади, ҳозирги фаровон турмуш, мусаффо осмоннинг қадрини англайди.

Ҳа, биз 9 майни ўзгача руҳда нишонлаяпмиз. Ҳарбий парадлар, замбаракларнинг гумбурлаган овозлари йўқ. Марҳумларни ёд, тирикларни шод қилиб, байрам баҳонаси билан тарих саҳифаларини варақлаяпмиз, хулоса чиқараяпмиз.

Бу майдонга кимлар келмайди, дейсиз. Чунки ўтган урушнинг ўтли нафаси етмаган хонадон йўқ юртимизда. Хотира майдонига келган кишининг кўнгли таскин топиб кетади. Шаҳидларнинг руҳи ҳам ором олади.

- Биз фахрийларимизнинг қадрини жойига қўйиш, уларга қўлдан келганча ғамхўрлик қилишни унутмаслигимиз лозим, - деди давлатимиз раҳбари. - Марҳумларни ёд этиш учун кўп нарса талаб қилинмайди. Лекин тирикларнинг ғамини ейиш осон эмас. Ўтган йили бу ерда кўрган айрим фахрийларни, минг афсуски, бугун учрата олмадим. Шунинг учун мен бугун уруш ва меҳнат фахрийларига, аввало, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Улар борлигининг ўзи биз учун катта давлат.

Мамлакатимиз раҳбари журналистлар орқали ёш авлодга мурожаат қилар экан, уларни фидойиликка, юрт равнақи йўлида янада фаолроқ меҳнат қилишга чақирди.

- Ҳаёт курашлардан иборат,- деди Президентимиз.- Кураш эса ҳеч қачон осон кечмайди. Биз келажаги буюк давлат қурмоққа киришган эканмиз, бу йўлдаги қийинчиликлардан чўчимаслигимиз керак. Бу ишда эса биринчи галда ёшларга ишонамиз. Шунинг учун уларга эътиборни тобора кучайтиряпмиз. Улар биздан-да ақлли, доно ва албатта бахтли бўлсин. Ҳар бир йигит-қиз юртимизда кечаётган жараёнларнинг четдаги томошабини эмас, фаол иштирокчиси бўлишини истайман.

Хотира майдони кун бўйи одамлар билан гавжум бўлиб, «Мотамсаро она»нинг пойига гул сиғмай кетди. Зиёратчилар оқими эса кечгача пасаймади. Одамлар қиёфасида байрам шукуҳи. Уруш фахрийси, машҳур Панфилов дивизияси рота командири, тарих фанлари доктори, профессор Икром Жалилов бундай дейди:

- Ёшлигимда ҳарбий бўлишни орзу қилардим, урушда жиддий яраланганимдан кейин ҳаётимни илмга бағишладим. Миллионлар қони эвазига қўлга киритилган бугунги озодлик, фаровон ҳаёт учун ҳар қанча шукрона айтсак кам. Ҳозирги шиддатли ривожланиш жараёни нафақат ёш авлод, балки бизнинг ҳам олдимизга катта вазифалар қўймоқда. Билим ва тажрибамиз юртимиз учун асқотаётганидан, Президентимизнинг биз, фахрийларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан жуда мамнунмиз.

(ЎзА).

Заминни ёғдуга тўлдириб яна тонг отди... Осмони беғубор, тинч, осойишта тонгни қаршилаб жамики қушлар ўз тилида қўшиклар айтди, шамоллар гулларни уйғотиб, туғилажак янги кунни муаттар атирга кўмди. Дарахтлар силкиниб тонгни олқишлади. Фақат одамлар...

МУСАФФО ТОНГЛАР ШУКУҲИ

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида яна бир бора англадимки, дунёдаги энг катта бойлик тинчлик ва хотиржамликда отаётган тонглар шукуҳи, мунаввар Эрк қуёши ёғдуси экан. Озодлик йўлини эса ота-боболаримиз жон ва қон кечиб нурафшон этган. ХХ аср вабоси номини олган иккинчи жаҳон урушида улар 30 миллиондан ортиқ қуролдош дўстларидан ажраб, инсониятни фашизм балосидан озод этдилар.

Хотиралар эса оғир. Уларни эшитганинг сайин «тинчлик» деган сўзнинг нақадар ҳаётбахшлиги ва муқаддаслигига иймон келтирасан киши. Осойишта юрт тупроғини кўзга тўтиё айлаб, ғаниматкунлар қадрига етиб, Ватан, эл-юрт тинчлиги учун меҳнат қилгинг келаверади. Зеро, Ватан туйғуси қаҳрамон ота-боболаримиз руҳи ила вужудимизга сингган ҳаётбахш неъматдир.

Ҳали урушнинг аччиқ изтироблари, дарду аламларини жисми жонида, руҳида кўтариб юрган тоғдек бардошли бу инсонлар сафи озайиб, бораётганини гоҳ сезиб, гоҳ сезмай қолаётирмиз. Кўчаларни тўлдириб юрган отахонлар бахтимиз, суянган тоғларимиздир.

Инсон қадрини, айниқса доно нуронийларимиз ҳурмат-эҳтиромини юксак кўтарган

Дил изҳори

Президентимиз уруш фахрийларига алоҳида меҳрибонликлар кўрсатмоқда. Хусусан, Мустақиллик майдонида «Мотамсаро она» ҳайкалининг ўрнатилиши, урушда шаҳид кетган 400 мингдан ортиқ жангчиларнинг номлари қайд этилган Хотира мажмуининг барпо этилиши олижаноб иш бўлди.

Уруш қатнашчиларини қанча эъзозласак, ҳурмат қилсак, хотираларини тинглаб, сабоқ чиқарсак арзийди. Негаки, бир вақтлар бу баҳодирлар сизу бизнинг камолимиз учун жон олиб, жон берган. Бугунги ёруғ кунлар қадрига етмоқни улардан ўрганайлик. Улар тарихнинг тирик гувоҳи.

Аъзам Ахтамов, уруш ва меҳнат фахрийси:

— Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади Ҳадису шарифда. Инсонга Ватандан азизу мукаррам ҳеч нарса йўқ. Ватан бизнинг танимизда, жонимиздадир. Уруш кўрганлар, она Ватани, халқи учун жон олиб, жон берганлар шунинг учун ҳам Ватанни ўзгача меҳр билан суйиб, ардоқлайдилар.

Тўғри, уруш ҳақида сўзлаш, эслаш оғир. Аммо бу хотиралар қанчалик ҳаяжонли бўлмасин, ҳақиқатни бор бўйича идрок этиб, уруш ажал уруғини сепувчи мусибат эканлигини тушунмоқ учун ҳар кун у ҳақда сўзлаш фойдадан холи эмас. Мен уруш хотираларимни ўзим билган, билмаган инсонларга етказиш учун китоблар ёздим. Хотираларимнинг аччиқ сабоғини улар қатида жойладим. Озодликнинг бу муборак кунларига қанчалик қурбонлар бериб етиб келганимизни ёшларимиз билсин. Тинчликни, Эрку истиқлолнинг қадрига етсин.

Чори Қўнғиров, Самарқанд вилояти, кекса педагог:

— Ҳаётимдаги болалик қувончини, бахтини уруш тортиб олган десам хато бўлмас. Отажоним Қўнғир Бобоёров урушга кетганча қайтмаган. Унинг йўлларига кўз тикиб энам дунёдан армон билан ўтди, онажоним умри ҳазон бўлди. Мен «ота» сўзини айтолмай, кемтик қалб ила улғайдим. Тез-тез Тошкентга келаман. Мотамсаро она пойига гуллар қўйиб, отам руҳларига Қуръон тиловат қиламан. Бу ерда менга ўхшаган, отасининг қабрини тополмай юрганлар кўп экан. Кеча борганимда, Тошкент вилоятидан урушга кетиб жангоҳларда ҳалок бўлганларнинг исми ёзилган лавҳалар олдида сочлари оқарган бир аёл кўз ёши тўкиб турибди. У зарҳал ҳарфлар битилган лавҳага бош уриб йиғларди. Ўзим ҳам бу ерга биринчи келганимда, шундай ҳолга тушгандим. Бугун эса юрагимда бир таскин бор. Минглаб жангчилар руҳлари қатори отам руҳи ҳам Хотира майдони узра кезиб юрибди.

ЯНГИ САЛОМАТЛИК МАСКАНЛАРИ

Мирзаобод туманида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш юзасидан ибратли ишларга қўл урилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Лозим топилганларга касалхона ҳамда сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилмоқда.

Белгиланган тадбирларга кўра тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қайта қурилиб, замонавий қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди. Уларга малакали ходимлар жалб этилди. Лаборатория, ташхис маркази замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги барчани қувонтирмоқда.

Корхонамиз ҳовлисига қадам қўйишингиз билан кўркам бино эътиборингизни тортади. У 2000 йилнинг биринчи сентябрида ишга тушган ажойиб қўшма корхонадир. Полша технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Тозаланиб, филтрланган хом ашё махсус механизмлар орқали идишларга қуйилади. Бир вақтнинг ўзида шиша идишлар автоматик тарзда қопқоқланади. Кўрими жуда чиройли, бежирим.

ҚАДРДОНЛАР

Ҳар бир ишчи иноқ жамоамиз билан фахрланади. Унумли ва сифатли ишлашга ҳаракат қилади. Кўп миллатли кишилар ўртасидаги меҳру оқибат тобора кучайиб бормоқда. Устозлар алоҳида эъзозда. Улар ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатишмоқда.

Сўнгги вақтларда савдо шаҳобчаларида чиройли идишлардаги «Ўзбекистон» ўсимлик мойи пайдо бўлди. У бизнинг маҳсулот. Мижозлар тобора кўпаётганлиги ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Сабрия ҚОБИЛОВА, Дилфуза ЭШНАЗАРОВА, Қашқадарёдаги «Косон-Палон-Ойл» қўшма корхонаси ишчилари.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси эртага, 11 май куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 май куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Бугун, 10 май куни Олий Мажлисда соат 13.00 да «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлади. Шу ерда соат 14.00 да «Фидокорлар» миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда соат 14.30 да - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

OLAMDA

Нигерия АҚШ ва Ғарбий Европанинг баъзи мамлакатлари Африкада 29 миллион тонна заҳарли чиқиндини кўмиш режасини ишлаб чиққанини ошкор этди. Хабарларга қараганда, қитъадаги Бенин, Экваториал Гвинея ва Конго Республикаси бу чиқиндилар ўз ҳудудига кўмилишига рози бўлган. Улар бунинг учун Ғарб давлатлари молиявий ёрдам кўрсатишидан умидвордир.

* * *

Чеченистонда маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари ва туманлар имомларига қўриқчи тайинлашга қарор қилинди. Мазкур республика маъмурияти бошлиғи Аҳмад Қодировнинг айтишича, бу қарор Россия ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилган. Ўлдирилган ўқитувчилар, маҳаллий раҳбарлар, руҳонийлар учун жавобгарлик Аслан Масҳадов зиммасидадир, деди А.Қодиров.

* * *

АҚШ мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Пол Вулфовиц раҳбарлигидаги делегация 11 майда Москвага келади. АҚШ давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучернинг айтишича, улар Россия расмийлари билан АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш режаси ва қурол-яроғни назорат қилиш масаласи бўйича музокара олиб боради.

* * *

БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгашида Халқаро наркотик моддалар назорати қўмитасига аъзо сайлаш бўйича бўлиб ўтган яширин овоз беришдан сўнг АҚШ вакили бу ташкилотга сайланмагани маълум бўлди. Бундан аввалроқ АҚШ вакиллари БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси таркибидан ҳам жой ололмаган эди.

* * *

Ангола ҳукумат қўшинлари УНИТА жангариларини Квандо-Кубанго вилоятидаги муҳим стратегик шаҳар - Мавингадан қувиб чиқарди. Хабарларга қараганда, УНИТА ушбу жангда кўплаб техника ва одамларини бой берган. Шунингдек, шаҳар яқинидаги аэродром ҳукумат қўшинлари назоратига ўтган. Жангарилар ушбу аэродромдан ноқонуний қазиб олинган олмосни сотиш эвазига қурол-яроғ ва ўқ-дори келтиришда фойдаланарди.

* * *

Жанубий Корея мудофаа вазирлиги Корея Республикаси ва Японияннинг навбатдаги қўшма ҳарбий-денгиз машқлари номаълум муддатга қолдирилганини маълум қилди. Бу машқлар келаси ойда бўлиб ўтиши керак эди. Қолдирилишига сабаб Япония ҳукуматининг иккинчи жаҳон уруши йилларида япон армияси томонидан амалга оширилган ҳарбий жиноятлари тўғрисида лом-мим дейилмаган дарсликларни мактабларга тарқатишга рухсат берганидир. Айни пайтда тарихнинг сохталаштирилиши билан боғлиқ ушбу воқеа икки давлат ўртасида муносабатлар кескинлашувига олиб келган.

* * *

Гайана шарқида элатлараро тўқнашувлар авж олди. Жанубий Америкада жойлашган ушбу кичик давлатда келиб чиқиши африкалик ва ҳиндистонлик бўлган икки жамоа вакиллари ўзаро можаролашмоқда. Мамлакат президенти Бҳарат Жагдео бу ерга армия қисмларини жўнатишга буйруқ берди.

(ЎзА).

NIMA GAP

Қарор ва ижро

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2001 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Бу муҳим ҳужжат ижроси жойларда қандай таъминланмоқда?

ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ

ва унинг савобли ишлари

Одамнинг тафтини одам олади, дейишади. Аммо кексайганингда бир суянчиққа, дардкашга мухтожлик сезасан киши. Яқинларинг, жонкуярларинг бўлса хўб-хўб, аммо ҳаёт ташвишу қувончларини ёлғиз чекишга тўғри келсачи?! Бундай чоғда ижтимоий таъминот бўлими ўзининг иссиқ бағрига олади, махсус ходим оғирингни енгил, узоғингни яқин қилади. Юртимизда ёлғиз кексалар, ногиронларга ана шундай имкониятлар яратиб берилган. Бунга биз Мирзаобод туманида бўлганимизда яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Қаршибой Ўтаганов хонасида бўлиб ўтаётган мажлисда манзилли хизмат ходимлари ўзларининг бир ҳафталик ишлари юзасидан ҳисобот беришди.

— Галина опанинг тоби қочган. Шифохонага жойлаштиришга тўғри келади, — деди шу хизматга дахлдор Усмон Қаршибоев.

— Мудирнинг қуюқ қора қошлари чимирилди. Бир зум ўйга толди. У Қаршибоевга юзланар экан қўшимча қилди:

— Ёнларида бир-икки кун туриб беришингизга тўғри келади. У киши оёққа тургунича ёлғизлатиб қўйманг.

Барча ходимлар ўз юмушлари юзасидан топшириқ олгач, ишга жўнаб кетишди.

— Туманимизда 23 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар, 74 нафар ногиронлар истиқомат қилади, — дейди ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Қаршибой Ўтаганов. — Уларнинг ҳолидан хабар олиш, кундалик юмушларига кўмаклашишни биринчи галдаги вазифамизга айлантирганмиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти билан ҳам ўзимиз шуғулланамиз. Ўтган даврда ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз пенсионерлар, ногиронларга 324 минг сўмлик бепул дори-дармон етказиб берилди.

Бўлимда ҳимояга муҳтож табақани қўллаш, улар оғирини енгил қилиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. 2000 йилда 56 нафар беморларга республикамиз ҳудудидаги сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб келиш имконияти яратилди.

Бу йил ҳам ўн нафар киши ана шундай имтиёзга эга бўлишди. Ўтган уч ойда 23 нафар ёлғиз кексаларга 193 минг сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 18 нафар уруш ногиронлари, 13 нафар меҳнат орқасидан ногирон бўлиб қолган кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий кўмак кўрсатишга эришилмоқда.

Яқинда «Тошкент» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «8 март» қишлоғида яшовчи ўсмир Фотима Холматова болалар аравачаси билан таъминланди.

— Биз — кемтик кўнгиллардан ўз марҳаматларини аямаётганлар омон бўлсин, — дейди Фотима ўз ҳаяжонини яширолмай. — Бундай беминнат дастёрга эга бўлишни орзу қилгандим. Эътибордан четда эмаслигимдан мамнунман.

Туманда дастур доирасида бир қатор ибратли ишлар режалаштирилган. Ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳомий мададини яққол ҳис этишаётир. Кувонарлиси, хайрли ишдан ҳеч ким четда қолмаётир.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАЪЗИМ

Ланъати уруш инсоният бошига не кунларни солмади. Элим деб, юртим деб жангга кирган не-не мард ўғлонлар жон фидо этдилар. Уларнинг порлоқ хотираси олдида таъзим бажо айлаш, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш муқаддас бурчимиздир.

Куни-кеча «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида бўлиб ўтган табаррук инсонлар билан учрашувда бу сўзлар алоҳида урғу билан жаранглади. Матбаачилар узоқ йиллар ўз жамоаларида ҳалол меҳнат қилган, ҳамон ўзларини сафда деб билган табаррук инсонларни олқишладилар. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Суратларда: унутилмас тадбирдан лавҳалар.

Ю.ТАНХОУ олган суратлар.

ЭНГ ҚАДРЛИ СОВҒА

Фарғона шаҳрида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан байрам тадбири уюштирилди. Тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ёшларга ибрат бўлаётган фидойи инсонлар таклиф қилинди. Тантана иштирокчилари ўз бошидан кечирган воқеа ҳодисалар, қуролдош дўстлари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими А.Отабоев ҳар бир фахрийга вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

(ЎзА).

2001 йил — Оналар ва болалар йили

«УМИД» ЁРДАМГА КЕЛДИ

Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Некўз қишлоғида «Умид» минтақаларо реабилитация марказининг филиали очилди. «Қўнғиртоғ» жамоа ширкат хўжалигида яшовчи аёллар бу ерда даволаниш, бола тарбияси бўйича билимларни эгаллаш имкониятига эга бўлдилар.

«Некўз» аёллар ижтимоий марказининг ташкилотчиси шу қишлоқдан етишиб чиққан тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанддаги нодавлат, нотижорат ташкилот «Умид» реабилитация маркази раҳбари Бибисора Ориповадир.

— Мақсадимиз хотин-қизлар, ўсмирлар ва бошқа фуқароларни ижтимоий, моддий, тиббий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий билимларини оширишдан иборатдир, - дейди биз билан суҳбатда Б.Орипова.

Некўз вилоятнинг аҳоли зич яшайдиган қишлоқларидан биридир. Бу ерда 11 мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 2400 нафари аёллар бўлиб, 3887 нафари ёш болалардир. Аҳолига 50 та қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик амбулаторияси хизмат кўрсатмоқда.

Туман ва хўжалик раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши туфайли қисқа муддатда қаровсиз қолдирилган ёзги клуб биноси таъмирланиб, замонавий масканга айлантирилди. Яқинда ижтимоий марказнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан «Умид» реабилитация маркази директори Б.Орипова, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари К.Исмоилова, «Қўнғиртоғ» жамоа-ширкат хўжалиги раиси А.Ибрагимов, туман марказий шифохонаси бош врачи И.Муҳтасимов, фаол аёллардан Ф.Шодиева ва бошқалар марказ қишлоқ аёлларининг ижтимоий ҳаётдаги муаммоларини ечишда яқиндан кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

Ижтимоий марказ фақат аёллар муаммолари билан шуғулланмасдан, давлатнинг умумтаълим дастурларига асосланиб, иқтидорли ёшларнинг компьютер саводхонлигини эгаллашига кўмаклашади, йигит-қизлар, ўсмирларнинг жисмоний соғломлигини ошириш мақсадида спорт тўгараклари ташкил қилади, қўшимча иш ўринлари яратиш тадбирларини амалга оширади.

ЁЛҚИН.

Ўзбекистоннинг энг ёш тижорат банкларидан бири бўлган «Бизнесбанк» республикада биринчи бўлиб «Вестерн Юнион» тизими бўйича пул ўтказиш операцияларини амалга ошира бошлайди. Бу ҳақда «Вестерн Юнион ДП Восток» нобанк кредит ташкилоти билан шартнома имзоланди.

«ВЕСТЕРН ЮНИОН» — ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧУН

Ҳозирги пайтда июн ойининг иккинчи ўн кунлигида ишга тушиши мўлжалланаётган тизимни улашга доир техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Унинг ёрдамида жисмоний шахсларнинг пул маблағларини дунёнинг ҳар қандай мамлакатига етказиб бериш имконияти пайдо бўлади.

«Вестерн Юнион» хизматларининг жорий этилиши мазкур банкнинг валюта операциялари соҳасида таклиф этилаётган маҳсулотлар турини кенгайтиради. Бу банкнинг барқарор ривожланиш ва республиканинг молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашга йўналтирилган стратегиясининг мантиқий давоми бўлди. Бу борадаги ишларнинг муайян мақсадга қаратилгани ҳақида «Ахбор-рейтинг» компанияси баҳосига кўра, биринчи чорак натижалари бўйича Бизнес-банкнинг кичик банклар гуруҳидан ўрта банклар гуруҳига ўтгани тўғрисидаги хабари ҳам далолат беради. Бугунги кунда банк республика хусусий банклари орасида биринчи ўринни эгалламоқда. Унинг активлари қиймати 3,5 миллиард сўмга етди.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Москвадан келтирилиб, Андижон заминида синовдан ўтказилган силлиқ бодринг навларига «Улуғбек» ва «Наврўз» номлари берилди.

Мана бир неча йилдирки, москвалик селекционер олим Сергей Гавриш андижонлик деҳқонлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чунки Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалиги академиясининг профессори С.Гавриш яратган серҳосил, тезпишар помидор, бодринг, бақлажон, қалампир, резавор кўкатлари нафақат ҳамдўстлик давлатлари, балки хорижий давлат деҳқонлари эътиборини тортган. Шу боис бу йил ҳам андижонлик фермерлар ўзларининг иссиқхоналарида москвалик олимнинг «Гавриш» фирмасида етиштирилган помидор уруғларидан 16 килограммини сотиб олишиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

«Туркистон-пресс».

Ижтимоий ҳимоя

«МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНГИЗ ТИКЛАНДИ!»

Инсон дунёга келган экан, у албатта ҳаёт неъматларидан бахраманд бўлиши, жамиятга нафи тегиб, роҳат-фароғатда яшаши керак. Бунга унинг ҳаққи бор. Лекин дунёнинг ишларига бир нима деб бўлмас экан. Ҳеч бир ота-она истамаса-да, гохида гўдак ногирон, майиб бўлиб туғилади. Баъзилар эса бирон кўнгилсиз воқеа сабаб бир умр ногирон бўлиб қолади. Уларни авайлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш эса ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Асака туманлараро ТМЭК ҳайъати раиси, олий тоифали эксперт-терапевт Иброҳимжон Исроилов билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда борди.

— Ҳайъат шифокорларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Ўринли савол, негаки кўпчилик ТМЭКнинг серқирра аммо машаққатли фаолияти тўғрисида тўла тушунчага эга эмас. Фақат бизга айрим одамларнинг иши тушгандагина ана шундай муассаса борлигини билишади. Шахсни ногирон деб топиш учун унга ташҳис қўйишда тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширади. Бизнинг бурчларимиз сурункали касалликларнинг оғирлашиб, кишиларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолиши ва унинг натижасида ўз ишига қисман ёки бутунлай яроқсизлигини аниқлаб, уларнинг қайси гуруҳ ногиронлигига мансублигини белгилаб беришдан иборат. Шифокорлар ҳайъати томонидан гуруҳлари белгиланган ногиронларга давлат нафақалари тайинланади ва ижтимоий ҳимояга олинади.

— Демак, сизлар шу асосда ногиронга нафақа олиш учун ҳужжат тайёрлаб берасизлар, шундайми?

— Бизнинг вазифамиз фақат шундан иборат экан, деб тушуниш хато бўлур эди.Чунки асосий вазифамиз ногиронликнинг олдини олиш, ишга вақтинча яроқсиз кишиларнинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш, уларнинг қалбида яшашга бўлган иштиёқни кучайтириш, қобилиятларини юзага чиқаришда кўмаклашишдир. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Туғма ногиронлардан ҳам кўплаб истеъдодлар етишиб чиққан. Улар жамиятга фойда келтириб, ўзларининг ақл-заковати билан мўъжизалар яратишяпти. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Тўшакка михланиб қолган бўлса ҳам ажойиб шеърлар ёзаётган, бошқотирмалар ўйлаб топаётган, оёғида чиройли безаклар ишлаётган, суратлар чизаётганлари ҳам бор.

Инсон қалби руҳият маконидир. Жисмонан заиф инсонларга паст назар билан қараш — гуноҳи азим. Айниқса, ногиронлар кўнгли нозик бўлади. Биргина ноўрин сўз билан унинг кўнгли дарз кетиши мумкин. Шундан эҳтиёт бўлиш керак. Улардаги қалб гўзаллигини ҳурмат қилиш, эъзозлаш лозим. Аллома Замахшарий бир оёғи йўқ ҳолда дунё кезган, илмий рисолалар ёзган. Рузвелт ногиронлар аравачасида юриб, буюк давлат арбоби даражасига кўтарилган.

— Сиз етакчилик қилаётган комиссияда ногиронлик даражаси Андижон вилояти кўрсаткичига нисбатан қандай?

— Лўнда қилиб айтадиган бўлсам, вилоят ўртача кўрсаткичига нисбатан ўтган йил якуни бўйича умумий ногиронлар 38 нафарга кам. Уларнинг меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман тиклаш бўйича ҳам ижобий кўрсаткичларга эришяпмиз. Масалан бултур 224 нафар тўла, 272 нафар ногиронларнинг меҳнат қилиш қобилияти қисман тикланди. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида жойлардаги меҳнат биржаларига мунтазам маълумотлар бериб борамиз. Шу йилнинг ўзида 53 нафар ногиронни меҳнат биржасига йўлладик.

— Яқинда арғинлик бир ногирон, уруш қатнашчиси сизлардан маслаҳат сўраб келганди. Натижаси нима бўлди?

— 1919 йилда туғилган Ҳасанбой ота Аҳмедов иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Урушда жароҳат олган. Лекин ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли оддий уруш қатнашчиси, умумий касалликдаги ногирон сифатида нафақа оларди. Биз отахоннинг ҳужжатларини бутлаб, Тошкентдаги марказий ҳарбий тиббий эксперт комиссиясига юбордик. У ердан урушда жароҳат олганлигини тасдиқловчи тиббий хулоса келди. Шуни асос қилиб, Ҳасанбой отага I-гуруҳ ногирони деган ҳужжат берилди. Табиийки, унга тегадиган нафақа миқдори ошди, давлат имтиёзларидан ҳам тўла баҳраманд бўляпти.

— Бундай инсонларга яна қандай ғамхўрликлар кўрсатиляпти, енгилликлар яратиляпти?

— Муҳтарам Президентимизнинг оталарча меҳрибонлиги туфайли ногиронларга муносабат тубдан ўзгарди. Бу тоифа инсонларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун билан кафолатланган. Мазкур ҳужжат асосида турар жой бинолари қурилиши Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан маслаҳатлашган ҳолда амалга оширилмоқда.

Андижон шаҳридаги ногиронлар реабилитация марказига ўтган йили 102 нафар ногирон даволаниш учун юборилди. Улардан 56 нафари шифо топиб, меҳнат қилиш қобилиятини тиклаб қайтди. Парваришга муҳтожларнинг уйига бориб, тиббий кўрикдан ўтказяпмиз. Протез, кресло ва қўлда ҳаракатланувчи махсус аравача учун 25 ногиронга хулосалар ёзиб берилди, 19 нафар бемор махсус оёқ кийим, қўлтиқтаёқ билан таъминланди.

Суҳбатдош: Абдулаҳад ЎРМОНОВ.

Саховат

«КИМЁСАВДО» ҲИММАТИ

Жойларда ташкил этилган «Кимёсавдо» идоралари ўзларининг беминнат хизматлари билан тез фурсатда кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Шу жумладан Элликқалъа туманидаги мазкур ташкилотнинг шохобчаси деҳқон-фермер хўжаликларига кўрсатаётган хизматлари билан қишлоқ хўжалиги ривожига ўзига хос ҳисса қўшмоқда, яъни, овуллардаги деҳқонларга маъданли ўғитларни ўз вақтида ва арзон баҳоларда етказиб бермоқда.

«Кимёсавдо»нинг Элликқалъа тумани бўлими раҳбари Бахтиёр Қурбоновнинг саъй-ҳаракатлари билан ибратли ишга қўл урилиб, шу ердаги мактабгача тарбия муассасалари баҳоли қудрат инвентарлар билан таъминланди. Қисқа фурсатда тумандаги халқ таълими бўлимига қарашли ўн битта болалар боғчаларига салкам 200 минг сўмлик маблағ ўтказилди.

ЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

Хоразм ва Қорақалпоғистон воҳалари қадимий тарихий обидаларга бойлиги билан жаҳон афкор оммасининг эътиборини тортгани ҳеч кимга сир эмас. Буюк авлод-аждодларимиз бунёд этиб кетган меъморчилик обидалари билан ўсиб келаётган ёш авлодни яқиндан таништириш эса уларнинг эл-юртга, муқаддас Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини янада ошириши шубҳасиз. Бу борада Бўстон шаҳридаги 34- мактаб муаллимлари ва ўқувчиларига «Бўстонтранс» ҳиссадорлик жамияти яқиндан кўмаклашмоқда.

Яқинда мазкур мактабнинг география фани ўқитувчиси Гулора Жуманиёзова раҳбарлигида 45 нафар ўқувчилар қадимий Хевага зиёрат қилиб, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишиб қайтишди. 20-«Бўстонтранс» ҳиссадорлик жамияти ўқувчилар учун автобус ажратиб, икки кунлик харажатларни кўриладиган фойда ҳисобидан сарфлашди.

— Фарзандларимизга бундай хизмат кўрсатиш учун аниқ режа ва тадбирлар ишлаб чиққанмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Қўзибой Ҳасанов. — Унга биноан Бўстон шаҳридаги Беруний номли мактаб ўқувчиларига ҳам тарихий жойларга бориб келишлари учун имконият яратиш кўзда тутилган.

СУВ ТАНҚИСЛИГИНИ ЕНГИБ

Оролбўйи ҳудуди аҳолисига халқаро ҳамжамиятлар кўрсатаётган амалий кўмаклар тобора кўпаймоқда. Айниқса, икки йилдан буён юз бераётган сув танқислиги сабабли юзага келган мураккаб шароитда яшаётган меҳнаткашларга халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти амалий ёрдам кўрсатаётир.

Куни-кеча мазкур ташкилотнинг мамлакатимиздаги вакили Руди Родригес раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар Тахтакўпир туманида бўлиб, олис овуллардаги меҳнаткашларнинг яшаш шароити билан танишдилар. Меҳмонлар туман марказий касалхонасига салкам юз минг АҚШ доллари миқдоридаги дори-дармонларни инсонпарварлик ёрдами сифатида топширди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р.Родригес бундай вазиятдаги ҳудудлар аҳолисига амалий ёрдам бериш изчил давом этишини таъкидлаб ўтди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Ёшим 55 да, II-гуруҳ ногиронман. 30 йилдан ортиқ иш стажига эгаман. Мен 55 ёшимда доимий нафақага чиқишим мумкинми? Ишлашим мумкинми?

М.Бекназаров, Нуробод тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги 328-сонли «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари тўғрисида»ги қарорининг иловасига мувофиқ ногиронлик муддатлари агар кишида қайта тикланадиган морфологик ўзгаришлар ҳамда организм органлари ва тизимларининг функциялари бузилганда даволашнинг, соғлиқни тиклаш тадбирларининг самарадорлигини, саломатликнинг аҳволини ва ижтимоий мовлашув даражасини кузатиш мақсадида ногиронлик белгиланган вақтдан бошлаб 6 ойдан 2 йилгача бўлган муддатда ногиронлар такрорий текширувдан ўтказилади.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Агар барқарор, қайта тикланмайдиган морфологик ўзгаришларда ва организм аъзоларининг ва тизимларининг фаолиятлари бузилган, касалликнинг кечишини яхшилаш ва ижтимоий мослашувнинг қайта тиклаш мумкин бўлмаган, ўтказилган қайта тиклаш тадбирлари самара бермаган ҳолларда ногиронлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда тасдиқланган касалликлар ва анатомик нуқсонлар рўйхатига мувофиқ такрорий текширувдан ўтказиш муддати кўрсатилмаган ҳолда белгиланади.

Юқорида айтиб ўтилган қарорда II гуруҳ ногиронлари қуйидаги махсус яратилган шароитларда у ёки бу ишларни бажаришлари мумкин. Буларга алоҳида меҳнат режимини ташкил этиш таъминланадиган, ногиронлар учун махсус цехларда зарур хом ашёни уйга етказиб бериш ва тайёр маҳсулотни уйда қабул қилиб олиб, мажбурий ишлаб чиқариш нормаларини белгиламасдан уй шароитида якка тартибдаги иш мароми, махсус цехлардаги каби енгилликлар таъминланган шароитлар бўлган корхоналар ёки муассасалар киради.

Яна шуни айтиш жоизки, I-II гуруҳ ишлашни давом эттиришни хоҳловчи ногирон шахслар турар жойдаги даволовчи врачдан ВКК орқали шу ҳақда врач хулосасини олишлари керак. Хулоса беришда ВКК меҳнат фаолиятининг таъсири остида ногироннинг аҳволи бирдан ёмонлашиб қолиши, шунингдек атрофдагилар учун хавфли ҳолат рўй берилиши мумкинлигини ҳисобга олади, бундай ҳолларда мазкур даврда ишлаш ман этилади.

Юқоридагиларга кўра Сиз учун ногиронлик гуруҳининг муддатсизлиги касаллигингиз сабабига боғлиқ, ишлаш-ишламаслигингиз эса ВКК хулосасига боғлиқ бўлади.

Маънавият чорраҳаларида

«ДАДАМ ТУШМАГУР СОДДА ЭДИЛАР»

Хизмат сафари билан вилоятлардан бирида юрар эканман, ҳамкасбим сўз бошлаб қолди:

— Ёдингиздами, ҳамкурсимиз бўларди шу қишлоқлик ўқитувчи. (унинг исми-шарифини айтди) Ўша дўстимизнинг ўғли бор. Кўринг-кўрманг, худди отасининг ўзи.

Эсладим, ўша қадрдонимиз институтни тугаллаганидан кейин орадан 12 йил ўтгач қўққисдан инфаркт бўлиб, оламдан кўз юмганди. Биз сиртдан таҳсил олардик. Дўстимиз кўпинча Тошкентга ўғилчасини даволатиш учун ўзи билан бирга олиб келар, уни шу ердаги қандайдир қариндошларининг уйида қолдириб, машғулотларда қатнашарди. Дамба-дам институтга ҳам олиб келарди ўғлини.

— Бир кўришсак бўладими у билан? — сўрадим ҳамкасабамиздан.

— Албатта-да, — маъқуллади у, — Азаматжон ҳозир катта одам. Нуфузли идорани бошқаради. Кўришиб қўйсак, дўстимизнинг руҳи шод бўларди.

Шундай дея у телефон гўшагини қўлга олди-да, қаёққадир сим қоқди.

— Азаматжонга айтиб қўйсаларингиз, марҳум дадаларининг яқин дўсти, курсдоши келганлар. Бир кўришиб қўйиш истагини билдиряптилар...

Нариги телефондаги одам узоқ йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят «Ярим соатлардан кейин айтилган жойга ўтиб борар эканлар» деди.

Ярим соатлар ўтгач гузар чойхонаси ёнига келиб тўхтаган «Мерседес»дан савлатдор киши тушиб келар экан, мен ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим: кўринг-кўрманг, бамисоли ўқитувчи дўстимизнинг ўзи тирилиб келгандек эди! Бўйи-басти, юриш-туриши, ҳамма-ҳаммаси отасининг ўзгинаси эди.

Мен дўстимнинг ҳурмати у билан қучоқ очиб кўришмоқчи эдим, лекин у сипоҳлик билан қўлини узатди... Мезбонлар шу аснода ҳаммамизни бир пиёла чойга таклиф қилдилар.

— Дадамнинг винеткасида суратингиз бор, - деди у хиёл жилмайиб.

— Мен эса сизни болалигингизда кўп кўрганман, - суҳбатга қўшилдим қандайдир бир энтикиш билан.

У «Бонагуа»дан қулт этиб ютар экан, лабининг бир чети билан истеҳзоли жилмайиб қўйди.

— Анча содда одам эдилар дадам раҳматлик...

Аста-секин даврада гап айлана бошлади. Дўстимизнинг ўғли менинг қаердан эканлигим, иш жойим, ҳозирги турмушим билан яқиндан қизиқсинди.

— Фарзандлардан нечта, домла?

— Тўртта, - дея жавоб қилдим.

— Машинадан-чи?

Табиийки, ўзимни бироз ўнғайсиз сездим.

— Машинадан йўқ...

Янги танишим чўнтагидан «Мальборо» чиқариб тутатди.

— Бизда эса учта.

— Нима? Машинаданми, фарзандларданми?

— Унисидан ҳам, бунисидан ҳам...

Мен мийиғимда кулдим.

— Ҳа, яратган бераридан қисмасин. Мана, сизга давлат ато қилибди, раҳматли дадангизга ақл, заковатдан кўпроқ берган эди.

У сўзларим замиридаги қалампирни сезмади, сезса ҳам ўзини билмаганга олди.

— Ҳа, содда одам эдилар у киши. — Хўрсиниб қўйди нечундир. — Биласизми, дадамиз билан, демак сиз билан ҳам бирга ўқиган кишиларнинг кўпчилиги бу касб орқасида тирикчилик қилиш хийла мушкул эканлигини, шамол энди бошқа томондан эса бошлаганини тездагина англаб етишди. Дарҳол иккинчи олий маълумот олишга ҳаракат қилишди. Бири агроном, бошқаси муҳандис, яна бирови ҳуқуқшунос, тўртинчиси тижоратчи деганларидай... Дадамиз мени ҳам аввалига ўзи каби ўқитувчиликка ўқитган эдилар. Лекин вақтида ақлимни пешлаб олдим. Тузукроқ институтга ҳужжат топширдим. Дадамиз эса... Бутун умрини тўртта китобни қўлтиқлаганича мактабга бориб-келиш билан ўтказди. На тузукроқ уй-жой тиклай олди, на машиналик бўлди. Топган унвони «Хизмат кўрсатган ўқитувчи», холос.

— Ҳар ҳолда сиздек замон нафасини сезган эсли-ҳушли йигитни оёққа турғазиб қўйибдику! Дадангизнинг энг катта хизмати шу эмасми!

— Ҳа энди...

Суҳбатимиз совугандан совиб борарди. Ярим соатлардан сўнг дўстимнинг ўғли билан муздеккина бир вазиятда хайрлашдик. Кўнгил учун бўлса-да у «Биз томонлардан бирор пиёла чой ичиб кетинг» дейишга ярамади. Қора «Мерседес»га виқор билан ўтирдию хиёл бош эгиб, жилмайганча жўнаб кетди.

Мен эса ўйга ботдим. Ҳа, дўстимнинг ўғлини учратиб, худди унинг ўзини кўргандек бўлдим. Тўғри, ўғилнинг юзи худди отасининг юзини эслатарди. Кўзлари ҳам айнан отасиники эди. Лекин отасиники каби тиниқ, дилкаш, меҳрибон эмас, балки олазарак эди бу кўзлар, анча бежо эди.

Ота ва боланинг кулишлари ҳам ўхшаб кетарди. Лекин дўстимиз ўз ҳаётида фақат самимий, беғубор, дилкаш бир тарзда кулган бўлса, ўғилда калондимоғлиқ кучли эди.

Шунда мен ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқатини уққандек бўлдим: ўн йиллар муқаддам оламдан ўтиб кетган ота ва унинг бугун «камолот» чўққисига кўтарилган фарзанди фақат қиёфадош эдилар, холос. Бошқа ҳеч нарса боғламасди уларни бир-бирови билан. Ҳа, фақат қиёфалари ўхшарди уларнинг, лекин қалблари, диллари, ўй-кечинмаларию орзулари, ҳаётдан кўзлаган мақсадлари бутунлай бошқа-бошқа эди...

Қодиржон СОБИРОВ.

ОМАДЛИ ЁШЛАР

Мирзачўл тумани Жиззах вилоятининг энг чекка қисмида жойлашган. Очиғи муаммолар етарли. Бироқ туман ҳокимлиги сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб янги иш жойлари яратиш, маданий-маиший хизматни жонлантириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Ёш фермерлар ҳаракати қанот ёзмоқда. «Ғалаба» хўжалигидаги «Орайлим», «Мирзачўл»-даги «Бектемир» фермер хўжаликлари тобора ривожланиб, туман иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Олим Тошбеков икки йилдирки тадбиркорлик билан шуғулланаяпти. У пахта, ғалладан мўл ҳосил етиштиришда кўпчиликка намуна. Ўтган йили у шогирдлари билан ҳамжиҳатликда ишлаб, 4 миллион сўм соф фойда олишга эришди.

— Ҳаётни севган, мақсад сари дадил интилган инсон албатта ўз мақсадига эришади, - дейди фермер.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма ҳаёти

Виждонан ишлаган асло кам бўлмас. Буни яхши англаган Шўрчи пахта очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 617 нафар ишчи-хизматчилари бурч масъулиятини чуқур ҳис қилмоқдалар.

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ — ЖОН ОЗИҒИ

Улар белгиланган ишлаб чиқариш режаларини доимо ортиғи билан адо этишга одатланишган. Шу боисдан, ҳар ойда юқори иш ҳақи олишади. Ҳар бир тадбирни ўтказишда иштирок этганлар ўртача иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида моддий рағбатлантирилади. Қабул қилинган жамоа шартномасида бундан ташқари саёҳатга алоҳида эътибор берилган. Ҳар йили илғор ишчилардан 100 нафари республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларига касабақўм йўлланмаси билан саёҳатларда бўладилар. Ўтган йили Хива ва Бухоро шаҳарларини томоша қилишган бўлса, бу йил Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий қадамжолари, Улуғбек расадхонаси, Шоҳи-зинда, Регистон, Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилишди.

Ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ташаббуси билан ёш ишчилардан Муҳаббат Обидова, Саодат Хўжаёрова, Хосият Қосимова, Мелигул Алимардонова, Зархол Абдулҳакимова, Гулсара Алимардонова кабилар Тошкент шаҳридаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтган ажойиб концертларни томоша қилдилар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабага бағишланган кўргазма очилди. Ҳар йили 9 май арафасида ташкил этиладиган анъанавий кўргазмада тасвирий санъат соҳасида узоқ йиллардан буён самарали ижод қилиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларининг асарлари намойиш қилинади.

ФАХРИЙ МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бу галги кўргазмага Волга соҳилларидан Берлингача жанговор йўл босиб, юрт озодлиги учун курашган ватандошларимизнинг тасвирий санъатнинг графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик каби турли йўналишларидаги 300 га яқин асари қўйилган.

Кўргазмада С.Абдуллаев, И.Кочетов, А.Винер сингари марҳум жангчи рассомлар, шунингдек, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугунги кунда ёшлар мураббийси сифатида кенг танилган А.Валиев, Р.Матевосян, В.Родин, К.Ткаченко ва бошқа мўйқалам соҳибларининг уруш ва тинчликнинг моҳиятини очиб берувчи, осойишта, фаровон ҳаётимиз қадрига етишга ундовчи асарларига кенг ўрин берилган.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

Урганчда машҳур «Каунтерпарт консорциум» халқаро ташкилоти ва «Ал-Хоразмий-Вамбери» маҳаллий халқаро илмий жамият ҳамкорлигида фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази очилди.

Марказ тақдимоти маросимида у «Марказий Осиёда фуқаролик жамияти ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш» дастурининг навбатдаги босқичи доирасида ташкил этилгани таъкидланди. Ушбу дастур Ўзбекистонда бир неча йилдан буён АҚШнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID) ёрдамида «Каунтерпарт консорциум» ташкилоти томонидан амалга оширилиб келаётир.

Мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, нодавлат ташкилотларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш борасидаги ишлар мамлакат пойтахти ҳамда марказий ҳудудларидан ташқарида ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Урганчдаги фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази Нукус, Бухоро ва Қўқонда фаолият юритаётган шундай марказлар каби маҳаллий нодавлат ташкилотларига турли хизматлар кўрсатади. Жумладан, ташкилий масалалар бўйича маслаҳат беради, техникавий, услубий ва ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатади.

- Биз бу ерга ёрдам бериш учун келганмиз, - дейди «Каунтерпарт консорциум»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори жаноб Соруш Жавади. - Бошқа вилоятлардаги каби, Хоразмдаги расмий шахслар ҳам нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини билдирмоқда. Урганчда муносиб шерик топганимиздан мамнунмиз. «Ал-Хоразмий-Вамбери» илмий жамияти халқаро ташкилотлар ва маҳаллий ҳукумат органлари учун тайёрланган бир қанча қизиқарли лойиҳалар ташаббускори сифати маълум. Мазкур жамият янги марказ фаолиятини фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш учун самарали йўналтиришига ишончимиз комил. Икки йилдан сўнг дастуримиз амалга оширилгач, марказ вилоят нодавлат ташкилотларига мустақил ёрдам кўрсатиши, шу жумладан уларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигига кўмаклашиши мумкин.

Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида 307 та ўрта ва кичик тижорат корхоналари фаолият кўрсатаётир. Улардан 68 таси ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Айниқса, туман марказида жойлашган кўп тармоқли «Зиёда» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг ишидан аҳоли мамнун. Фирмада овоз ёзиш студияси, автомобилларга енгил хизмат кўрсатиш бўлими, телевизор ва радиоприёмник созлаш устаханалари мавжуд.

Бу ерда 30 дан зиёд ишчи ва ходимлар меҳнат қилишади. Уларнинг шиори — иш сифатини кундан-кунга ошириб бориш. «Зиёда» фирмаси тумандаги «Меҳрибонлик уйи» ҳамда болалар боғчаларидан бирига ҳомийлик қилаётир.

Суратларда: 1. Корхона бошлиғи Шокиржон Раззоқов. 2. Фирма биносининг умумий кўриниши.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

ИШЧИ ДАЪВОСИ

суд томонидан нега рад этилди?

Инсон ҳак-ҳуқуқини билгани яхши, албатта. Лекин ҳуқуқини ҳимоя қилиш асосида ортиқча талаб қўйиш анча ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Қуйида ўқийдиганларингиз айнан шу нарсага гувоҳлик бериб турибди.

Одатда шахснинг топталган деб топилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ҳақида судга мурожаат қилишини ҳеч ким рад этмайди. Лекин даъво тамомила асоссиз, жамоа аъзоларини йиллаб сарсон-саргардон қиладиган, жамиятдан кўпроқ олишга қаратилган бўлса-чи...

«Мен 1988 йилдан буён Қизилтепа автомобил йўллар бошқармасида ишчи бўлиб ишлай бошладим, - деб бошлайди судга берган аризасини Равиб Холов. - 1998 йилгача яхши ишладим. Сўнг тез-тез касал бўлиб қоладиган бўлдим. 1999 йил апрел ойидан касб касаллиги бўйича II гуруҳ ногиронига чиқарилдим. Меҳнат қобилиятимнинг 75 фоизини йўқотдим. Бир йилдан ортиқ касалхоналарда, Тошкентдаги касб касалликлари бўйича илмий-текшириш институти клиникасида даволандим. Соғлигимга зарар етгани учун барча харажатларни бошқарма тўлаши керак. Мана икки йилдирки, АЙБ овора қилиб, менга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказмоқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 194-моддасига асосан менга бир йўла ўртача иш ҳақимнинг камида бир йиллигини тўлаши керак. Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 187-197-моддаларига асосан менга икки йилдан буён етказилган 500 минг сўм маънавий зарарни ундириб беришингизни сўрайман».

Бироқ, суд даъвони асоссиз деб топди. Қизилтепа АЙБ тақдим этган маълумотномага асосан Равиб Холовга мунтазам равишда иш ҳақи берилган, моддий томондан таъминлаб турилган, деб топилди. Равиб Холов ишлаб чиқариш эмас, балки касб касаллиги билан касалланган, бундай ҳолатда ташкилот томонидан унга берилаётган иш ҳақи, нафақа пули ва моддий ёрдам қонуний берилган, деб ҳисобланди.

Вилоят суди ҳам қарорни тўғри, деб топди. Хўш, йиллаб қилинган даъво нега қаноатлантирилмади? Бошқарма касаба уюшма қўмитасининг раиси Аҳад Худоёровнинг берган маълумотномасида айтилишича, ўтказилган одатдаги тиббиёт кўригида 4 кишида касаллик борлиги, шу жумладан, Равиб Холовда сурункали астма касаллиги борлиги аниқланди. Туман СЭС маркази томонидан 1999 йил 15 февралда берилган 33-сонли иш шароити тўғрисидаги санитария-гигиена далолатномасида «Қишнинг совуқ кунларида иш жойининг ҳарорати нормадан пастлиги, ёзнинг иссиқ кунларида ҳароратнинг юқорилиги, асфальт бостиришда битум ҳиди ва СО газининг нормадан юқори эканлиги соғлигига таъсир қилган бўлиши мумкин» дейилган. Лекин бу айнан ишлаб чиқаришда фалон кун, фалон соатда зарарланди ёки жароҳат олди дегани эмас. Корхонада ҳам, Р. Холов судга тақдим этган ҳужжатлар орасида ҳам бундай маълумотнома йўқ. Қолаверса, астма касаллигига йўлиқиш ишдан ташқари шароитда ҳам содир бўлиши мумкин.

Инсоф сари барака

Меҳнат кодексининг 187-моддасида ходимга тўланиши лозим бўлган зарар ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида «етказилган ҳар қандай зарар (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи башарти ушбу кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди» деб қайд этилган.

Равиб Холов бугунги кунда ойлик маошининг 75 фоизи — 11 минг 71 сўм, 8229 сўм нафақа пулини бошқарма ҳисобидан олиб келмоқда. Касалхоналарда даволаниш пайтида ҳам унга имкон қадар моддий ёрдам берилган. Бугунги кунда ҳам ишловчиларга берилаётган барча имтиёзлардан бенасиб қолмаётир.

Шундай экан, унинг асоссиз даъво билан корхона аҳлини ойлаб сарсон қилгани, одамларни ишдан қолдиргани учун етказилган моддий ва маънавий зарарни ким тўлайди? Қолаверса, инсоф сари барака деганларидек, бундай кишилар жамиятдан, ўз жамоасидан иложи борича кўпроқ олишни эмас, беришни ҳам ўйласалар, бурч масъулиятини оз бўлсада ҳис қилсалар маъқул иш бўлур эди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Тўрахўжа Норов узоқ йиллар давомида Сирдарё вилояти ҳуқуқ-тартибот органларида фаолият юргизди. Халқ осойишталиги ва жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлади. Ёш мутахассисларга мураббийлик қилиб, кўплаб шогирдлар тарбиялади.

Адабиётга, хусусан, бадиий ижодга ёшлигидан ҳавас қўйган Т.Норов бўш вақтларида шеърлар машқ қилар эди. Мудҳиш ўлим уни орамиздан юлиб олиб кетишидан ярим йил олдин шеърий мажмуаси чоп этилганди.

Қуйида милиция полковниги, марҳум Тўрахўжа Норовнинг назмий гулшанидан терилган шеърий гулдастани ҳукмингизга ҳавола этамиз.

ВАТАН ИШҚИ

Жонажон ўлкамга қурбон бўлмаган жон-жон эмас,
Жонидан кечмай ватанпарвар бўлиш осон эмас.
Кимдадир йўқдур Ватаннинг меҳри чин инсон эмас,
Халқ учун қайғурмаса, билки пок виждон эмас.

Гулламас яшнаб Ватан то элда меҳнат бўлмаса,
Ҳар иш олға босмагай меҳнатда рағбат бўлмаса,
Ўз элу ўз юртига меҳру муҳаббат бўлмаса,
Ишда ҳар деҳқон ҳунар кўрсатмаса деҳқон эмас.

Арзигай тупроқларин қилсам кўзимга тўтиё,
Қилди меҳнаткаш элим ҳар аҳди паймона вафо,
То абад халқим адолат соясида бахтиёр,
Ки доно Юртбошимиз бу йўлда доим раҳнамо.

ИНДАМАС

Билмадим, айбим недур, ҳаргиз дилдор индамас,
Ноз эрурми ё ғазабдур, нозанин ёр индамас.

Турганимда сўз умид айлаб йўл узра термулиб,
Лоақал бегонавор ўтганда бир бор индамас.

Ҳаддин ошди нотавон кўнглимда дарду ҳасрати,
Йиғламай тақдир дардин қилсам изҳор индамас.

Умр савдоси билан савдойи бўлдим ухламай,
Сурати аҳволи зоримдан қилиб ор индамас.

Кўз учи бирла боқиб ўзи билинди шунчалар,
Шарм этиб бегоналар олдида ночор индамас.

Бисоти рухсорим узра шарҳи дилдан бир ғазал,
Кўз ёшим бирла ёздим, қилмайми кор индамас.

Тўрахўжа НОРОВ.

Марғилонда узоқ йиллардан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган, халқ маъорифи аълочиси Исроилжон Мусаевни танимайдиган инсон йўқ ҳисоби. Ҳозирда у киши пенсия ёшида бўлишига қарамасдан мактабда жуғрофиядан дарс бериб келмоқда.

Исроилжон ота 20 та невара ва 3 та чеваранинг суюкли бобоси. Уруш қатнашчиси бўлган бу табаррук инсонни неваралари Хотира ва Қадрлаш кунида йўқлашиб кўнглини тоғдек кўтаришди.

М.ҚОДИРОВ олган сурат.

Қўқон шаҳрида «Мумтозбегим» маркази ташкил этилди. Марказ директори Ҳафизахон Аҳмедова. Тиниб-тинчимас бу аёл марказда тикувчилик, бичувчилик, сартарошлик, инглиз тили, компьютер курсларини очишга муваффақ бўлди.

«МУМТОЗБЕГИМ» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Гулчеҳрахон Абдуллаева, Ёқутхон Мадалиева, Нигора Отажонова, Дилшодбек Ҳусанов, Дима Кван, Сабина Ҳайирова каби ўз касбининг усталари ёшларга ўз билим, тажрибаларини сидқидилдан ўргатмоқдалар.

Шунингдек, марказда хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар жалб қилинган. Шу кунгача 78 нафар аёл уларнинг маслаҳатларидан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтириш ҳаракатида юрибдилар.

204 нафар битирувчилар «Мумтозбегим»нинг илк қалдирғочлари ҳисобланади. Улардан 160 нафари хусусий тадбиркорлик соҳасида ўзини синаб кўриш ниятида.

А. ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма спорти

«САЛОМАТЛИК» ҒОЛИБЛАРИ

Гулистондаги марказий ўйингоҳда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ташаббуси билан «Саломатлик» спартакиадаси беллашувлари бўлиб ўтди.

Мусобақаларга пухта ҳозирлик билан келинганлиги учун ҳам баҳслар муросасиз кечди. Айниқса, мини футбол учрашувлари қизғин тус олди. Охирқибат Мирзаобод тумани ҳаваскорлари зафар қучдилар. Кейинги ўринлар вилоят руҳий касалликлар диспансери вакиллари ҳамда сайхунободлик тиббиёт ходимларига насиб этди.

Енгил атлетика ва стол тенниси беллашувлари ҳам ишқибозларда яхши таассурот қолдирди.

Умумжамоа ҳисобида эса энг кўп очко тўплаган Сайхунобод туман вакиллари биринчи, Мирзаобод ва боёвутлик шифокорлар иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

Н.ФАХРИДДИНОВ.

ИРОДА ҲАМРОҚУЛОВА — ЧЕМПИОН

Тошкентда хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати (олий лига) ниҳоясига етди.

Самарқандлик Ирода Ҳамроқулова 14 имкониятдан 11 очко тўплаб, мусобақалар чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни 9,5 очко тўплаган тошкентлик Анжела Хегай эгаллади, учинчи ва тўртинчи ўринлар эса 9 тадан очко тўплаган чирчиқлик Севара Юсубалиева ва Тошкент шаҳри вакили Ольга Кимга насиб этди.

(ЎзА).

Маънавият сарчашмалари

«АВЕСТО»ДА ҲАҚИҚАТ МАДҲИ

Инсон пайдо бўлибдики, ҳақиқат ва адолатга интилади. Ҳақиқат эса олий неъмат сифатида инсонни эзгуликка, яхшиликка чорлайди, ҳаётига мазмун бахш этади. Инсон ҳақиқатга интилиб, ўзини, ўзлигини танийди, Ватани, халқи учун улуғ курашларга, ҳақ ва адолат ҳимоясига отланади. Ҳақиқат, халқ ибораси билан айтганда, ўтда куймайди, сувда чўкмайди. У инсонни ҳамиша адолатли курашларга чорлаб туради.

Ўз даврининг улуғлари ҳақиқат ҳақида доно фикрлар билдириб, ҳикматлар битганлар. «Қанчалик оғир бўлмасин — фақат ҳақиқатгина ёқимлидир». «Ҳақиқат жавоҳирга ўхшаш, уни безаб ўтириш шарт эмас, аммо уни кўзга яққол ташланиб турадиган жойга қўймоқ зарур»...

«Авесто»да ҳам ҳақиқат шунчалик улуғланганки, ҳатто у энг олий илоҳ номига қўшиб айтилган. Китобнинг асосий қисмларидан ҳисобланган «Вандидод» («Девларни узоқлаштирувчи қонун» ёки «Девларга қарши низом» маъносини англатади)нинг иккинчи бўлими ўттиз тўққизинчи бандидаги:

«— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!..» деб бошланадиган, Олий Илоҳ билан Пайғамбар савол-жавоблари фикримизнинг исботидир. Бу Ҳақиқатни улуғлаш, уни тараннум этиш «Авесто»нинг бош мавзуларидандир. Манбада таъкидланишича, ҳақиқат аждодларимиз ҳаёти ва турмушининг мазмунини ташкил этган.

Калом-сўзга шарафлар бўлсин
Ва шарафлар бўлсин тақводор
Зардуштга (Пайғамбар)
Ҳаоманинг шарбатидан сўнг
Келадир Ҳақ,
Келар Ҳақиқат.

Бу сатрларда Ҳақиқатга етишиш йўлини эътиқод деб билган, «Ҳақ» билан «Ҳақиқат»ни ҳаёт мазмунига айлантирган аждодларимиз иймони акс этган. «Авесто»да Ҳуварно (илоҳий моҳият - бунга ноил бўлганлар бахт ва қудрат соҳиби бўлади) шундай таърифланади:

«Куч-қудратда мисли йўқ, танҳо,
Ғолибликда худо қўллаган.
Кулиб боққан ҳар лаҳза омад,
Фақат эзгу каломлар соҳиби,
Ва бузилмас калом эгаси
Ҳам енгилмас сўзнинг молики
Мустаҳкам ва ғоятда соғлом,
Илоҳий бахт айлаган насиб
Ва бардошли таннинг эгаси,
Олижаноб ҳамда эзгуга,
Суханпардоз ва ҳукмдорга,
Топқирга ва ғоят зийракка,
Бениҳоя ўткир нигоҳли,
Ҳақиқатда барчадан баланд.

«Ҳақиқатда барчадан баланд» мисрасига эътибор беринг-а, «Авесто» ҳақиқатни ҳикматларнинг ҳикмати, барча эзгуликларнинг эзгуси деб таърифлаяпти. Илоҳий китобдаги бу сўзларни ўқиб, Леонардо да Винчининг «Ҳақиқат замоннинг якка-ю ягона шер ўғли» деган сўзлари бехосдан ёдга тушади. Дарҳақиқат, ҳақиқат «Авесто»да маромига етказиб куйланган, қойил қоларли даражада мадҳ этилган. «Ҳақиқат» табаррук китобда қанчалик қайд этилмасин, улар бир-бирини тўлдиради, маъно ва мазмунини ошириб, сайқаллайди. «Ҳақиқат»нинг «барчадан баланд»лиги қайд этилади.

«Ахура-Мазда (Олий Илоҳ) деди:
Худо берган Вартрагнага,
Ҳаммадан муносиб зотга
Ким тоатлар келтирар бўлса,
Ҳақиқатда ҳаммадан яхши
Дуолар ва қурбонлик бирлан, -
Орёнинг мамлакатларига
Ёвларга ҳужум қилмагай зинҳор
На офат, на бало-ю қазо,
На ғанимнинг аравалари,
На алвони ёвнинг сарбаланд
Кириб келмас юртига унинг,
Келмайдир асло».

«Ҳақиқатда ҳаммадан яхши» сифати билан «Дуолар ва қурбонлик»лар сийланаяпти. Дуода гап кўп, яхшиларни дуо қиладилар, савобталаблар бундай бахтга мушарраф бўлади.

Ҳақиқатни танлаган зотлар
Ўлим билмас, завол топмасдир
Ёлғон эса даф бўлғисидир.
Тавфиқ аҳли бошига тушган
Жумла офат, жумла ҳалокат
Қайтиб кетар келган жойига,
Авлодидан ва ҳаётидан
Йўқ бўладир майда ёвузлик,
Йўқ бўладир энг улуғ ёвуз
Энг яхши Илоҳ каби,
Энг яхши Ҳомий янглиғ
Ҳақ-ҳақиқат юзасидан у
Бермиш, олий Мазда (илоҳ)
юмуш
Ғарибларга қарамоқ учун.

Сирли китобнинг сирли сатрлари беихтиёр ўйга толдиради, қалбни мавжлантириб, дилни фахрга тўлдиради, ғурурланиб, аждодларимиз ақлу тафаккурининг бетакрорлигидан бош осмонга етади. «Авесто» тинимсиз симирган билан туганмайдиган маънавият чашмаси. Бу чашманинг битмас-туганмас зилол неъматлари нафақат бизни, аждодларимиз нанқоқлигини ҳам қондиришга қодир.

Мусоқул УСМОНОВ, профессор.

Танбеҳ

«АКРОМОБОД» НЕГА ҚАТНАШМАДИ?

Ургут туманида Оналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилган касаба уюшма ходимлари ўртасидаги «Саломатлик» спартакиадаси мусобақалари қизғин курашларга бой бўлди.

Волейбол баҳсларида Улуғбек номли ширкат хўжалиги волейболчилари шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олишган бўлса, кейинги ўринлар Ш.Рашидов номли ва «Деҳқонобод» ширкат хўжаликлари вакилларига насиб этди.

Дарвоқе, миллий кураш мусобақаларида ҳам «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги полвонларига тенг келадиган рақиб топилмади.

Тош кўтарувчилар баҳсида эса Улуғбек номли ширкат хўжалиги вакиллари ғолиб чиқишди.

Шунингдек, спартакиада дастурига киритилган стол тенниси мусобақаларида «Самарқанд» ширкат хўжалиги вакилларининг қўли баланд келган бўлса, шахмат-шашка баҳсларида Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги спортчиларига омад кулиб боқди.

...Беллашувлар ортда қолди. Мусобақаларда 16 жамоа, 300 дан ортиқ ҳаваскор спортчилар иштирок этди. Бироқ, негадир, ўтган йилги ғолиб жамоа — «Акрамобод» ширкат хўжалиги вакиллари бу галги мусобақаларда қатнашмоқни ўзларига эп кўрмадилар. Яна шунингдек, Навоий номли, Х.Мўминов номли, «Оққўрғон», «Мўминобод» ширкат хўжаликлари касаба уюшма спортчилари ҳам четдан томошабинлик қилишни маъқул кўрдилар.

Ҳамдам АЛИЕВ.

Биласизми?

ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО ИНЪОМИ

Табиатнинг бебаҳо инъоми бўлмиш сув қадимдан эъзозланган. Сув ҳақида турли даврлар ва мамлакатларда кўплаб асарлар битилган. Масалан, қадимги юнон шифокори Буқрот «Ҳаво, сув ва жойлар тўғрисида» номли асарида ботқоқлик, кўлмак, дамба қуриш йўли билан тўпланган ҳамда ёмғир ва қор сувларининг хусусиятлари тўғрисида маълумот берган. Олим бу сувларнинг қайбири шифобахш, қайси бири эса зарарли экани, сувдан қандай зиён ва фойда кўриш мумкинлиги хусусида ўз фикрини билдирган.

Қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг «Қонунлар» асарида сувдан унумли фойдаланиш тартиблари ҳақида гап боради. Асарда сувдан фойдаланиш тартибига риоя қилмаган тақдирда айбланувчи жабрланувчига етказган зиённи икки ҳисса тўлаши зарурлиги уқтирилган.

Шарқ мамлакатлари аҳолисининг сувга бўлган эъзози муносабати ҳам тарих саҳифаларидан яхши маълум. Қадимги юнон тарихчиси Геродот, форслар дарёда чўмилмайди ва унга тупуришмайди, дейди.

Россияда водопровод сувидан фойдаланиш XV асрнинг охирларидан бошланган бўлиб, кейинчалик водопровод тизими учун сув Нева дарёсидан олинганлиги сабабли 1719 йилда ушбу дарёга ахлат ташлашни таъқиқлаш тўғрисида қонун чиқарилган.

Акбар АЛИЕВ.



Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат-лавҳа.

• Тож талабгорлари •

ЛИМЯНТОЛЬ

Мамажон МУҲИДДИНОВ

1930 йил. Халқаро турнир бошланиши лозим бўлган Штубнянские-Теплицкдаги Чехия курортида қадди-қомати расо йигит пайдо бўлди. Мутасаддиларга у ўзини Лимянтоль деб таништирди ва мусобақага киритишларини илтимос қилди. Иштирокчиларнинг ҳеч қайсиси илгари бу фамилияни эшитмаган эди.

«Ўйнашни биласизми?», — деб сўради кимдир ундан дабдурустдан. Сўнг улар — тажрибали мастер билан номаълум шахматчи шунчаки бир неча партия ўйнаш учун тахта ёнига ўтирдилар. Кутилмаган натижа рўй берди. Чақирилмаган меҳмоннинг блиц, яъни тез ўйнашда маҳорати зўр эканлиги маълум бўлди. У турнирда қандай ўйнаркин-а?..

Ўн тўққиз ёшли Андрэ Лимянтоль жиддий курашда ҳам ўзининг муносиб рақиб эканлигини ишонарли тарзда исботлади: С.Флор, С.Тартаковер, В.Пирц, Г.Штолькерлардан ўзиб, биринчи ўринни эгаллади.

Шахмат билан у анча кеч — 15 ёшида (1911 йил 5 майда Москвада туғилган) танишган бўлса-да, анойилардан эмас эди. Асли у дипломли кийим тикувчи эди, лекин оиласи кўчиб борган Будапештда иш топа олмади. Ва у шахмат профессионали бўлишга қарор қилди.

Вена, Берлин, Париж.. Машҳур шахмат кафелари «Центроль», «Кенич», «Режонс». Шахмат санъатига ҳурмат ва айни вақтда пул қўйиб ўйнашу ҳомийлар кўнглини овловчи блиц матчлар. Шахмат профессионалининг, айниқса ўша пайтларда ҳали тажрибаси йўқ Лимянтолнинг топган нони аччиқ таъм бўлиб чиқди.

Венгрия чемпионатида Лимянтоль учинчи ўринни эгаллади. Кейинчалик кўплар, хатто жаҳон чемпионлари унинг кучини ўз тажрибаларида синаб кўрдилар. Уни турнирларга бажонидил таклиф этадиган бўлиб қолдилар ва у мутасаддиларнинг ишончини оқлар ҳам эди. Гастингсдаги турнирда (1933-34) Алехин билан 2-3 ўринларни баҳам кўрди. 1934 йили Уйпешт ва Барселонада биринчи совринларни олди. 1934-35 йиллардаги Гастингс турнирида Капабланка билан ўзининг боқий партиясини яратди. 1935 йили у II Москва халқаро турнирида қатнашди.

У кўп ўйнашда давом этди, турли мусобақаларда қатнашди, ҳудудлараро турнирда (1948), тож талабгорлари турнирида (1950) иштирок этади. Унинг ўйинида ҳамма нарса: позицияни яхши тушуниш ҳам, юксак техника ҳам бордек кўринади. Лекин бир нарса - жангчилик хусусиятлари етишмас эди. Олий унвон учун курашда у ҳаддан зиёд мулойимлик қилиб қолди ва шунинг учун бу курашда ўз ўрнини ёшроқ ҳамда қатъийроқ шахматчиларга бўшатиб беришга мажбур бўлди.

У Ботвинникка «етиш» учун яна бир неча бор уриниб кўрди. 1953 йили тож талабгорлари турнирида қатнашди, лекин Смисловни олдинга ўтказиб юборди. Амстердам (1964) ва Сусдаги (1967) ҳудудлараро турнирларда курашди. Биринчисида 8-9 ўринлар, иккинчисида 6-8 ўринлар билан кифояланишга мажбур бўлди. Горт ва Штейнлер билан бўлган қўшимча мусобақада юқори кўтарилиш учун яна бир имкониятга эга бўлди, аммо тож талабгорларининг чорак финал матчида мағлубиятга учради.





Мароқли машқлар. Иккала этюдда ҳам оқлар бошлаб, ютади

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 20.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6